| в т.ч.:<br>— не предлагать, обещать, санкционировать, передавать денежные средства или иное имущество или имущественные права, преимущества, льготы, услуги, нематериальные активы, любые другие выгоды нематериального или не денежного характера Государственному должностному лицу (взятка, взяточничество), представителю коммерческой организации (коммерческий подкуп) или любому иному лицу с целью повлиять на его действия (обеспечить бездействие) и побудить к выполнению должностных обязанностей ненадлежащим образом и / или получить ненадлежащее коммерческое преимущество для Общества;<br>— не совершать Платежи для упрощения формальностей;<br>— не требовать, вымогать или просить, а также не соглашаться на получение или получать денежные средства или иное имущество или имущественные права, преимущества, льготы, услуги, нематериальные активы, любые другие выгоды нематериального или неденежного характера от каких-либо лиц с целью незаконного использования своего должностного положения вопреки законным интересам Общества, в том числе с целью получения указанных выше материальных и нематериальных ценностей для себя или третьих лиц;<br>— не посредничать во взяточничестве или коммерческом подкупе, в том числе не передавать указанные выше материальные и нематериальные ценности получателю, либо содействовать получателю или передающему лицу в достижении или реализации соглашения между ними о получении указанных выше материальных или нематериальных ценностей;<br>— не совершать иные действия / бездействия Работников, содержащие признаки коррупционных действий или способствующие их совершению, включая проявления конфликта интересов. | — давлат мансабдор шахсига (пора, порахўрлик), тижорат ташкилоти вакилига (тижорат пора) ёки ёки бирон-бир бошқа шахсга унинг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) таъминлаш мақсадида ва ўз расмий вазифаларини номувофиқ тарзда бажаришга ундаш учун пул маблағларини ёки бошқа мулкни ёхуд мулкий ҳуқуқларни, афзалликларни, имтиёзларни, хизматларни, номоддий активларни, бошқа номоддий ёки пул тусидаги барча фойдани таклиф қилмаслик, ваъда бермаслик, ижозат бермаслик, топширмаслик.<br>— расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловларни амалга оширмаслик;<br>— Жамиятнинг қонуний манфаатларига зид равишда, хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш мақсадида, ҳар қандай шахслардан пул маблағлари ёки бошқа мулк ёхуд мулкий ҳуқуқлар, имтиёзлар, афзалликлар, хизматлар, номоддий активлар, номоддий ёки пул билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳар қандай имтиёзларни, шу жумладан, юқорида кўрсатилган моддий ва номоддий қийматликларни ўзига ёки учинчи шахслар учун олиш мақсадида талаб қилмаслик, товламачилик қилмаслик, шунингдек, олишга розилик бермаслик ёки олмаслик.<br>— порахўрликда ёки тижорат пора беришда воситачилик қилмаслик, шу жумладан, юқорида кўрсатилган моддий ва номоддий активларни олувчига бермаслик, ёхуд олувчига юқорида кўрсатилган моддий ёки номоддий активларни олиш тўғрисида келишувга эришишда ёки амалга оширишда ёрдам бермаслик;<br>— ходимларнинг коррупция ҳаракатлар аломатларини ўз ичига олган бошқа ҳаракатларини / ҳаракатсизлигини қилмаслик ёки уларнинг амалга оширилишига (манфаатлар тўқнашуви кўринишидаги) кўмаклашмаслик. |
| ***4.2. Принцип законности*** | ***4.2. Қонунийлик тамойили*** |
| 4.2.1. Антикоррупционные мероприятия в Обществе реализуются в соответствии с требованиями законодательства Республики Узбекистан, международного законодательства, ратифицированного Республикой Узбекистан, и с учетом применимых ведущих мировых практик противодействия коррупции, а также в строгом соответствии с внутренними нормативными документами Общества.<br>4.2.2. Общество и его Работники обязаны соблюдать законодательство Республики Узбекистан, а также требования в области противодействия коррупции международных актов и нормативных актов иностранных государств, на территории которых Общество ведет или планирует вести деятельность. | 4.2.1. Жамиятда коррупцияга қарши чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро қонунчилик талабларига мувофиқ ва жаҳондаги коррупцияга қарши илғор амалиётини ҳисобга олган ҳолда ҳамда Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига қатъий мувофиқликда амалга оширилади.<br>4.2.2. Жамият ва унинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, шунингдек, коррупцияга қарши халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл давлатлари (қайсики ҳудудда Жамият фаолиятини юритаётган ёки юритишни режалаштираётган) меъёрий ҳужжатларининг талабларига риоя қилишлари шарт. |
| ***4.3. Принцип превентивности, системности и интегрированности реализуемых антикоррупционных мероприятий*** | ***4.3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентивлиги, тизимлилиги ва ўзаро боғлиқлиги*** |
| 4.3.1. Общество отдает приоритет реализации превентивных мероприятий и процедур, направленных на устранение причин и условий, способствующих совершению Коррупционных действий и реализации коррупционных рисков.<br>4.3.2. Общество стремится сделать антикоррупционные мероприятия и процедуры максимально прозрачными, ясными, выполнимыми и разумно отвечающими выявленным рискам.<br>4.3.3. Реализуемые антикоррупционные мероприятия и процедуры объединены в систему противодействия коррупции, интегрированную во все направления деятельности Общества. | 4.3.1. Жамият коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради.<br>4.3.2. Жамият коррупцияга қарши чора-тадбирларни ва тартиб-таомилларни юқори даражада шаффоф, аниқ ва аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ оқилона бажаришга интилади.<br>4.3.3. Коррупцияга қарши амалга оширалаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Жамият фаолиятининг барча йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилган. |

| | |
|---|---|
| ***4.4. Принцип открытости и прозрачности*** | ***4.4. Ошкоралик ва шаффофлик тамойили*** |
| ***4.5. Принцип должной осмотрительности*** | ***4.5. Тегишлича эҳтиёткорлик тамойили*** |
| 4.5.1. Общество прилагает разумные усилия, чтобы минимизировать риск деловых отношений с лицами, которые могут быть вовлечены в коррупционную деятельность. С целью реализации данного принципа перед принятием решения о начале или продолжении деловых отношений Общество осуществляет проверку Контрагентов на благонадежность. Такая проверка, в том числе, направлена на выявление коррупционных рисков, сопутствующих отношениям с Контрагентами.<br>4.5.2. Перед принятием решения о найме или перед заключением договора гражданско-правового характера Общество осуществляет проверку деловой репутации кандидатов на работу, в том числе на предмет отсутствия у них коррупционных рисков и конфликта интересов. | 4.5.1. Жамият коррупциявий ишларга аралашиши мумкин бўлган шахслар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширилади. Ушбу тамойилни амалга ошириш учун ишбилармонлик муносабатларни бошлаш ёки давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин Жамият контрагентларнинг ишончлилигини текширади. Шу жумладан, бундай текширув, контрагентларнинг муносабатлари билан боғлиқ коррупция хавф-хатарларини аниқлашга қаратилган.<br>4.5.2. Ишга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин ёки фуқаролик-ҳуқуқий турдаги шартнома тузишдан олдин Жамият номзодларнинг ишбилармонлик обрўсини, шу жумладан, коррупция хавфи ва манфаатлар тўқнашуви йўқлигини текширади. |
| ***4.6. Принцип ответственности и неотвратимости наказания*** | ***4.6. Жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги тамойили*** |
| 4.6.1. Работники независимо от занимаемой должности, стажа работы, статуса и иных факторов несут персональную ответственность за соблюдение принципов и требований настоящей Политики и Применимого антикоррупционного законодательства. | 4.6.1. Ходимлар, эгаллаб турган лавозими, ўзининг мақоми ва бошқа омиллардан қатъий назар, ушбу Сиёсатнинг ва амалдаги коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва тамойилларига риоя қилишига шахсан жавобгардир. |
| ***4.7. Принцип конфиденциальности и отказа от ответных мер*** | ***4.7. Махфийлик ва жавоб чораларини рад этиш тамойили*** |
| 4.7.1. Общество гарантирует, что никакие санкции, в том числе увольнение, понижение в должности, лишение вознаграждения, дискриминация, притеснение, преследование, не будут применены к Работникам, отказавшимся совершить Коррупционные или иные действия, которые являлись бы нарушением требований Применимого антикоррупционного законодательства или настоящей Политики, даже если в результате такого отказа Общество не получило коммерческие и/или конкурентные преимущества и/или понесло убытки.<br>4.7.2. Общество также считает недопустимым применение любых ответных мер к Работникам, добросовестно сообщившим о Коррупционном действии или возможном нарушении антикоррупционных принципов и требований настоящей Политики другим Работником Общества.<br>4.7.3. Общество обеспечивает конфиденциальность и защиту информации, полученной по каналам информирования о нарушениях. | 4.7.1. Жамият порахўрликдан ёки амалдаги коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ёхуд мазкур Сиёсатнинг талабларини бузадиган бошқа ҳаракатлардан бош тортган ходимларга нисбатан ҳеч қандай санкциялар, шу жумладан, ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, иш ҳақидан маҳрум этиш, камситиш, сиқувга олиш, таъқиб қилиш чоралари қўлланилмаслигини кафолатлайди, ҳатто бундай рад этиш натижасида Жамият тижорат ва / ёки рақобатбардош устунликларга эга бўлмаган тақдирда ва / ёки зарар кўрган бўлса ҳам.<br>4.7.2. Шунингдек, Жамият ташкилотнинг бошқа ходими томонидан коррупциявий ҳаракатлар ёки ушбу Сиёсатнинг тамойиллари ва талабларининг бузилиш эҳтимоли тўғрисида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ҳар қандай жавоб чоралари кўриши мумкин эмас, деб ҳисоблайди.<br>4.7.3. Жамият рухсат этилган алоқа каналлари орқали қоида бузилишлар тўғрисидаги олинган хабар махфийлигини ва ҳимоясини таъминлайди. |
| ***4.8. Принцип постоянного совершенствования системы противодействия коррупции*** | ***4.8. Коррупцияга қарши ҳаракат тизимини доимий такомиллаштириш тамойили*** |
| 4.8.1. Общество уделяет особое внимание постоянному совершенствованию системы противодействия коррупции в целях повышения ее эффективности.<br>4.8.2. Общество призывает своих Работников предлагать рекомендации и меры по совершенствованию системы противодействия коррупции Общества. | 4.8.1. Жамият коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда оширишни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади.<br>4.8.2. Жамият ўз ходимларини Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва чораларни таклиф қилишга даъват қилади. |
| **5. ЭЛЕМЕНТЫ СИСТЕМЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ** | **5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҲАРАКАТ ТИЗИМИНИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ** |
| Стремясь обеспечить эффективность антикоррупционной деятельности, Общество уделяет особое внимание развитию следующих основных элементов системы противодействия коррупции: | Коррупцияга қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида Жамият коррупцияга қарши кураш тизимининг қуйидаги асосий таркибий қисмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратади: |
| ***5.1. Наличие основополагающих документов по противодействию коррупции*** | ***5.1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича энг муҳим ҳужжатларнинг мавжудлиги:*** |
| 5.1.1. В основе системы противодействия коррупции Общества лежат принципы и требования, отраженные в настоящей Политике, Антикоррупционной программе Общества, Кодексе делового поведения и Политике по управлению конфликтом интересов, разработанных с учетом Применимого антикоррупционного законодательства и ведущих мировых практик по противодействию коррупции. | 5.1.1. Коррупцияга қарши амалдаги қонунчилик ва коррупцияга қарши курашишнинг илғор чет эл амалиётини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тизими негизида ушбу Сиёсат, Коррупцияга қарши дастурда, иш юзасидан ахлоқ ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсатида акс этган тамойиллар ва талаблар ётади. |

| 5.2. «Тон сверху». | 5.2. "Юқоридан қуйига муносабат" |
|---|---|
| 5.2.1. Члены наблюдательного совета и правления Общества, а также начальники структурных подразделений (отделов, управлений и др.) должны личным примером формировать у Работников непримиримое отношение к любым формам и проявлениям Коррупционных действий и таким образом способствовать созданию стандарта этического поведения и корпоративной культуры «нулевой толерантности» к коррупции в Обществе.<br>5.2.2. Члены наблюдательного совета и правления Общества, а также начальники структурных подразделений (отделов, управлений и др.) демонстрируют лидерство в отношении построения и реализации эффективной системы противодействия коррупции посредством:<br>— активного участия в разработке, реализации, мониторинге и совершенствовании антикоррупционных мероприятий;<br>— осуществления общего текущего контроля за внедрением и операционной эффективностью системы противодействия коррупции;<br>— внешней и внутренней коммуникации, в т.ч. консультирования подчиненных Работников по вопросам противодействия коррупции и необходимости соблюдения соответствующих норм и требований (в том числе, через периодические выступления, рассылки и публикации);<br>— предоставления необходимых материально-технических ресурсов для реализации антикоррупционных мероприятий.<br>5.2.3. Общество прилагает разумные усилия для того, чтобы не допустить на должности членов наблюдательного совета и правления, а также начальников структурных подразделений Общества (отделов, управлений и др.) лиц, ранее вовлеченных в противозаконную, в том числе коррупционную деятельность. | 5.2.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарлари (бўлимлар, бошқармалар ва бошқалар) ўзларининг шахсий намуналари билан коррупцияга оид ҳаракатларнинг ҳар қандай шакл ва кўринишга нисбатан ходимларда муросасиз муносабатни шакллантиришлари ва шу аснода одоб-ахлоқ ва коррупцияга "мутлақо тоқатсизлик" корпоратив маданият стандартини яратишга ҳисса қўшишлари керак.<br>5.2.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарлари (бўлимлар, бошқармалар ва бошқалар) коррупцияга қарши самарали тизимни яратиш ва амалга оширишда қуйидагилар орқали етакчиликни намойиш этадилар:<br>— коррупцияга қарши тизимни татбиқ этиш ва самарали фаолиятининг умумий жорий назоратини амалга ошириш;<br>— коррупцияга қарши курашиш тизимининг жорий этилиши ва оператив самарадорлиги устидан умумий жорий назоратни амалга ошириш;<br>— ташқи ва ички алоқа, шу жумладан, қўл остидаги ходимларни коррупцияга қарши курашиш масалалари ва тегишли меъёр ҳамда талабларга риоя қилиш зарурлиги тўғрисида маслаҳат бериш (шу жумладан, вақти-вақти билан баёнот бериш, нашр этиш ва тарқатиш орқали);<br>— коррупцияга қарши чораларни амалга ошириш учун зарур моддий-техника ресурслари билан таъминлаш.<br>5.2.3. Жамият Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзолари, шунингдек, Жамиятнинг таркибий бўлинмалари (бўлимлари, бошқармалари ва бошқалари) раҳбари лавозимларидаги шахсларнинг ноқонуний ишларга, шу жумладан, коррупциявий фаолиятга аралашишига йўл қўймаслик учун оқилона ҳаракатларни амалга оширади. |
| ***5.3. Идентификация и оценка коррупционных рисков*** | ***5.3. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш*** |
| 5.3.1. Общество регулярно (не реже чем раз в два года, а также по мере необходимости) проводит мероприятия по идентификации и оценке/переоценке коррупционных рисков в порядке, установленном в Методологии по идентификации и оценке коррупционных рисков Общества.<br>5.3.2. В рамках идентификации и оценки/переоценки коррупционных рисков учитываются особенности организационной структуры Общества и анализируются все направления деятельности с целью определения процессов, наиболее подверженных коррупционному риску, в том числе учитываются существующие в них антикоррупционные контроли и процедуры на предмет их достаточности для снижения выявленных рисков.<br>5.3.3. Общество уделяет особое внимание рискам, характерным для регионов осуществления его деятельности, а также учитывает в оценке всю полноту информации о планах развития, в том числе инвестиционных и стратегических проектах, а также изменения законодательства, политической и экономической ситуации и других внешних факторов, которые могут оказать влияние на деятельность Общества.<br>5.3.4. В процессе идентификации и оценки рисков принимают участие руководители соответствующих подразделений Общества при активной поддержке со стороны Службы комплаенс, которая координирует процесс и готовит обобщенные результаты оценки.<br>5.3.5. Результаты оценки/переоценки коррупционных рисков предоставляются на рассмотрение правления Общества и являются основой для совершенствования антикоррупционных мероприятий и процедур Общества и разработки Антикоррупционной программы на соответствующий период. | 5.3.1. Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш Методологиясида белгиланган тартибда Жамият, мунтазам равишда (шунингдек, керак бўлганда, камида ҳар икки йилда бир марта,) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш / қайта баҳолаш бўйича тадбирларни амалга оширади.<br>5.3.2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш/қайта баҳолаш доирасида Жамиятнинг ташкилий тузилмасидаги ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади ва фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарга кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади, шу жумладан, мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган хавф-хатарларни камайтириш учун етарлилиги жиҳатидан ҳисобга олинади.<br>5.3.3. Жамият ўз фаолияти олиб бориладиган минтақаларга хос бўлган хавф-хатарларга алоҳида эътибор беради, шунингдек, баҳолашда ривожланиш режалари, шу жумладан, инвестиция ва стратегик лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқлигини ҳамда Жамиятнинг фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қонунчиликдаги, сиёсий, иқтисодий вазиятни ва бошқа омилларнинг ўзгаришларини ҳисобга олади.<br>5.3.4. Жамиятнинг тегишли бўлинмалари раҳбарлари хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнида Комплаенс хизматининг фаол кўмаги билан қатнашадилар, бу жараённи мувофиқлаштиради ва баҳолашнинг умумлаштирилган натижаларини тайёрлайди.<br>5.3.5. Коррупция хавф-хатарларини баҳолаш/қайта баҳолаш натижалари Жамият бошқаруви томонидан кўриб чиқилиши учун тақдим этилади ва Коррупцияга қарши чоралар ва тамойилларни такомиллаштириш ва тегишли даврга Коррупцияга қарши кураш дастурини |

| | |
|---|---|
| 5.3.6. Учитывая приверженность Общества принципу «нулевой толерантности» к коррупции, оно признает необходимость управления коррупционными рисками вне зависимости от вероятности их наступления и степени воздействия на Общество. | ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади.<br>5.3.6. Жамиятнинг коррупциявий ҳаракатларга, "мутлақо тоқатсизлик" тамойилига содиқлигини ҳисобга олган ҳолда, коррупция хавф-хатарларини юзага келиш эҳтимоли ва Жамиятга таъсир даражасидан қатъи назар, уларни бошқариш зарурлигини тан олади. |
| ***5.4. Антикоррупционные процедуры*** | ***5.4. Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллари*** |
| 5.4.1. По итогам проведенной оценки/переоценки рисков Общество внедряет антикоррупционные контроли и процедуры в свои процессы и направления деятельности, соразмерные выявленным рискам.<br>5.4.2. Реализуемые антикоррупционные процедуры указаны в Разделе 6 настоящей Политики, а также отражены в Антикоррупционной программе и закреплены иными внутренними нормативными документами Общества. | 5.4.1. Хатарларни баҳолаш / қайта баҳолаш натижаларига кўра, Жамият ўз жараёнлари ва фаолиятида аниқланган хавф-хатарларга мутаносиб равишда коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларни татбиқ этади.<br>5.4.2. Коррупцияга қарши тартиб-таомиллар ушбу Сиёсатнинг 6-қисмида кўрсатилган, шунингдек, Коррупцияга қарши кураш дастурида акс эттирилган ва Жамиятнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида мустаҳкамланган. |
| ***5.5. Наличие лиц и подразделений, ответственных за противодействие коррупции*** | ***5.5. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар*** |
| 5.5.1. В целях построения эффективной системы противодействия коррупции в Обществе создается Служба комплаенс.<br>5.5.2. Служба комплаенс находится в подчинении Председателя правления Общества Наблюдательного Совета.<br>5.5.3. Работники Службы комплаенс имеют необходимый опыт и компетенции, а также обладают независимостью, полномочиями и ресурсами, достаточными для осуществления своих функций, эффективного внедрения и совершенствования системы противодействия коррупции Общества.<br>5.5.4. Служба комплаенс выполняет в том числе следующие функции:<br>— Профилактика и противодействие коррупционных действий в Обществе;<br>— Организация, координация и обобщение результатов оценки коррупционных рисков;<br>— Разработка и совершенствование политик, процедур, методических рекомендаций, предложений по внесению изменений во внутренние нормативные документы Общества по вопросам противодействия коррупции;<br>— Разработка программ обучения и непосредственное обучение Работников по вопросам противодействия коррупции;<br>— Консультирование Работников по вопросам противодействия коррупции;<br>— Участие в расследовании Коррупционных действий, в том числе при рассмотрении вопросов о привлечении Работников к ответственности за совершенные правонарушения;<br>— Мониторинг реализации антикоррупционных мероприятий и процедур в Обществе;<br>— Оценка достаточности, соразмерности и актуальности существующих антикоррупционных мероприятий и процедур в Обществе, а также принятие мер по их совершенствованию;<br>— Составление регулярной отчетности о текущем состоянии системы противодействия коррупции в Обществе для наблюдательного совета и правления Общества;<br>— Иные полномочия, устанавливаемые законодательством и внутренними нормативными документами Общества.<br>Помимо Службы комплаенс иные Работники и подразделения также участвуют в процессе формирования эффективной системы противодействия коррупции в Обществе. Обязанности ответственных Работников и подразделений по реализации антикоррупционных мероприятий закреплены внутренними нормативными документами Общества. | 5.5.1. Коррупцияга қарши самарали тизимни яратиш учун Жамиятда Комплаенс хизмати ташкил этилади.<br>5.5.2. Комплаенс хизмати Жамият бошқаруви раиси ва Кузатув кенгашига бўйсунади.<br>5.5.3. Комплаенс хизмати ходимлари зарур тажриба ва малакага эга, Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини татбиқ этиш ва такомиллаштиришда, ўз вазифаларини амалга оширишда етарли даражада мустақилликка, ваколатларга ва муҳим ресурсларга эга.<br>5.5.4. Комплаенс хизмати, шу жумладан, қуйидаги вазифаларни бажаради:<br>— Жамиятдаги коррупциявий ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш;<br>— коррупциявий хатарларни баҳолаш натижаларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва умумлаштириш;<br>— коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича сиёсати, тартиб-таомиллари, услубий тавсиялари, таклифларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;<br>— ходимларни коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва тўғридан-тўғри ўқитиш;<br>— коррупцияга қарши курашиш бўйича ходимларга маслаҳат бериш;<br>— коррупция ҳаракатларини текширишда иштирок этиш, шу жумладан, ходимларни содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортиш масалаларини кўриб чиқишда;<br>— Жамиятда коррупцияга қарши чоралар ва тартиб-таомилларнинг бажарилишини назорат қилиш;<br>— Жамиятда мавжуд коррупцияга қарши чоралар ва тартиб-таомилларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва долзарблигини баҳолаш, шунингдек, уларни такомиллаштириш чораларини кўриш;<br>— Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Бошқаруви учун Жамиятдаги коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисида мунтазам равишда ҳисоботларни тузиш;<br>— қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг ички қоидаларида белгиланган бошқа ваколатлар.<br>Жамиятда коррупцияга қарши самарали тизимни шакллантиришда Комплаенс хизматидан ташқари бошқа ходимлар ва бўлимлар ҳам иштирок этадилар. Коррупцияга қарши чораларни амалга ошириш учун масъул ходимлар ва бўлинмаларнинг вазифалари Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларида мустаҳкамланган. |

| | |
|---|---|
| функциональной структуре и других внешних и внутренних факторов на систему противодействия коррупции Общества и необходимости ее корректировки, в том числе обеспечение ее соответствия требованиям законодательства Республики Узбекистан;<br>— регулярный мониторинг на выборочной основе (в соответствии с утвержденным планом) внутренних процессов Общества для выявления неэффективных антикоррупционных мероприятий и процедур с целью их совершенствования и обеспечения надежности и эффективности системы противодействия коррупции Общества;<br>— проведение внутренних и/или внешних проверок с целью контроля соблюдения Работниками антикоррупционных принципов и требований Общества;<br>— контроль за своевременной и надлежащей реализацией антикоррупционных мероприятий, возложенных на Службу комплаенс и другие структурные подразделения Общества.<br>5.7.2. Итоги и результаты мероприятий по мониторингу и контролю системы противодействия коррупции отражаются в:<br>— ежеквартальных отчетах для Правления;<br>— ежегодных отчетах для Правления, Наблюдательного совета и Акционера;<br>— отчетах по итогам внутренних и/или внешних проверок, предоставляемых Председателю правления и / или в Наблюдательный совет.<br>5.7.3. Содержание отчетов определяется внутренними нормативными документами Общества. Ключевые результаты деятельности Общества в области противодействия коррупции могут публиковаться на официальном Интернет-сайте Общества.<br>5.7.4. В Обществе на регулярной основе проводится внутренний и внешний аудит финансово-хозяйственной деятельности, а также осуществляется непрерывный контроль за полнотой и правильностью отражения всех хозяйственных операций в бухгалтерском учете и соблюдением требований применимого законодательства и внутренних нормативных документов Общества. | — Жамият фаолиятидаги ва функцияларидаги ўзгаришлар, уларнинг ташкилий-функционал тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларнинг Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини, мазкур тизимга ўзгартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;<br>— самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида сайланма равишда Жамият тизимидаги функциялар ва ички жараёнларни доимий мониторинг қилиш (тасдиқланган режага мувофиқ);<br>— ходимлар томонидан Жамиятнинг Коррупцияга қарши кураш тамойиллари ва талабларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадида ички ва/ёки ташқи текширувларни ўтказиш;<br>— Жамиятнинг Комплеанс хизмати ва бошқа таркибий бўлинмаларига юкланган коррупцияга қарши чораларнинг ўз вақтида ва тўғри бажарилишини назорат қилиш.<br>5.7.2. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг мониторинг ва назорат қилиш бўйича тадбирларнинг якуни ва натижалари қуйидагиларда акс эттирилган:<br>— ҳар чоракда Бошқарув учун ҳисоботлар;<br>— Бошқарув, Кузатув кенгаши ва акциядор учун йиллик ҳисоботлар;<br>— Бошқарув раисига ёки Кузатув кенгашига тақдим этилган ички ва/ёки ташқи аудит натижалари тўғрисида ҳисоботлар.<br>5.7.3. Ҳисоботларнинг мазмуни Жамиятнинг ички қоидалари билан белгиланади. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Жамият фаолиятининг асосий натижалари Жамиятнинг расмий интернет-сайтида эълон қилиниши мумкин.<br>5.7.4. Жамият мунтазам равишда молиявий-хўжалик фаолиятининг ички ва ташқи аудиторлик текширувларини ўтказади, шунингдек, барча хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишининг тўлиқлиги ва тўғрилигини ҳамда амалдаги қонунчилик ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини доимий равишда назорат қилиб боради. |
| ***5.8. Реагирование на выявленные нарушения и привлечение к ответственности:*** | ***5.8. Ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш:*** |
| 5.8.1. Учитывая принцип ответственности и неотвратимости наказания, все Работники несут персональную ответственность за соблюдение принципов и требований настоящей Политики, иных антикоррупционных политик и процедур Общества, а также Применимого антикоррупционного законодательства.<br>5.8.2. По связанным с Коррупционными действиями сообщениям, переданным на «Телефон доверия» или по иным каналам информирования о нарушениях, а также в отношении каждого разумно обоснованного подозрения или установленного факта совершения Коррупционных действий в Обществе инициируется внутреннее расследование в соответствии с внутренними нормативными документами Общества.<br>5.8.3. Работники, нарушившие установленные антикоррупционные принципы и требования Общества и Применимого антикоррупционного законодательства, привлекаются к дисциплинарной, административной, гражданско-правовой или уголовной ответственности в порядке и по основаниям, предусмотренным законодательством Республики Узбекистан и внутренними нормативными документами Общества.<br>5.8.4. Члены правления Общества, а также начальники его структурных подразделений (отделов, управлений и др.) несут ответственность за совершение коррупционных | 5.8.1. Жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги тамойилини ҳисобга олган ҳолда, барча ходимлар ушбу Сиёсат, Коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа сиёсат ва тартиб-қоидаларга ва талабларига, шунингдек, амалдаги коррупцияга қарши қонунчиликка риоя қилиш учун шахсан жавобгардирлар.<br>5.8.2. Жамиятда Коррупциявий ҳаракатлар билан боғлиқ «Ишонч телефони»га ёки бошқа каналлар орқали ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги берилган хабарга, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги аниқланган фактлар бўйича Жамиятнинг ички-меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ички текширувлар ўтказилади.<br>5.8.3. Коррупцияга қарши курашнинг белгиланган тамойиллари ва талабларини ва Коррупцияга қарши курашнинг амалдаги қонунларини бузган ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий, фуқаролик ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.<br>5.8.4. Жамият бошқаруви аъзолари, шунингдек, унинг таркибий бўлинмалари (бўлимлари, бошқармалари ва бошқалар) раҳбарлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун ўзлари учун |

| | |
|---|---|
| правонарушений, как за себя, так и за лиц, находящихся в их подчинении.<br>5.8.5. В случае выявления Коррупционных действий в Обществе выполняется анализ причин и возможностей для их совершения и, при необходимости, совершенствуются реализуемые антикоррупционные мероприятия и процедуры.<br>5.8.6. Общество сотрудничает с правоохранительными и иными Государственными органами, предприятиями или учреждениями в целях выявления и расследования Коррупционных действий и применения санкций в отношении Работников Общества, совершивших коррупционное правонарушение. | ҳам, уларнинг қўл остидаги шахслар учун ҳам жавобгардирлар.<br>5.8.5. Жамиятдаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда уларни содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қилинади, зарур бўлса, доимий асосда коррупцияга қарши курашиш тадбир ва тамойиллар такомиллаштирилади.<br>5.8.6. Жамият коррупциявий ҳаракатларни аниқлаш, текшириш ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этган Жамиятнинг ходимига нисбатан санкцияларни қўллаш мақсадларида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Давлат органлари ёки муассасалари билан ҳамкорлик қилади. |
| ***5.9. Транслирование антикоррупционных принципов и процедур в Дочерние общества*** | ***5.9. Коррупцияга қарши кураш тамойиллари ва тартиб-таомилларини тармоқ корхоналарига етказиш*** |
| 5.9.1. Общество прилагает разумные усилия, чтобы установленные им ключевые антикоррупционные принципы и требования также соблюдались в его Дочерних обществах и совместных предприятиях.<br>5.9.2. С целью транслирования антикоррупционных принципов и процедур в Дочерние общества, Общество:<br>— инициирует в Дочерних обществах внедрение антикоррупционных политик и процедур, аналогичных действующим в Обществе;<br>— инициирует назначение в Дочерних обществах работников, ответственных за противодействие коррупции и осуществляющих взаимодействие с Обществом;<br>— осуществляет оперативное консультирование и взаимодействие с Дочерними обществами по вопросам информирования, обучения в области противодействия коррупции, оценки рисков, а также по другим вопросам, которые могут возникнуть в деятельности Дочерних обществ в части противодействия коррупции;<br>— осуществляет периодический мониторинг и проверки соблюдения антикоррупционных принципов и требований в Дочерних обществах, а также оценку эффективности системы противодействия коррупции Дочерних обществ в целом и т.д. | 5.9.1. Жамият коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари ва талабларига унинг тармоқ корхоналари ва қўшма корхоналарида ҳам риоя этилишини таъминлаш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширади.<br>5.9.2. Коррупцияга қарши кураш тамойиллари ва тартиб-таомилларини тармоқ корхоналарига етказиш учун Жамият:<br>— Жамиятнинг амалдаги ўхшаш Коррупцияга қарши сиёсат ва тамойилларни тартиб-қоидаларни тармоқ корхоналарида хам татбиқ этади;<br>— Жамиятда коррупцияга қарши курашиш ва Жамият билан ўзаро алоқада бўлиш учун масъул ходимларни тайинлайди;<br>— коррупцияга қарши курашиш бўйича маълумот бериш, ўқитиш, хавф-хатарларни баҳолаш, шунингдек, коррупцияга қарши кураш бўйича тармоқ корхоналар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган бошқа масалалар бўйича тармоқ корхоналар билан тезкор маслаҳат ва ўзаро алоқаларни таъминлайди;<br>— тармоқ корхоналарида коррупцияга қарши тамойиллар ва талабларга риоя қилинишини вақти-вақти билан мониторинг қилади ва текширади, шунингдек, тармоқ корхоналарида коррупцияга қарши курашиш тизимини бутунича баҳолайди. |
| **6. АНТИКОРРУПЦИОННЫЕ ПРОЦЕДУРЫ** | **6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ТАРТИБ -ТАОМИЛЛАРИ** |
| ***6.1. Управление конфликтом интересов*** | ***6.1. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш*** |
